

“ТЕМИР ДАФТАР”НИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ



Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.


@huquqiyaxborot



Уйма-уй юришни ташкил қилиш бўйича эҳтиёжманд оилаларни ўрганиш сўровномаси вилоят ҳокимликлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимликларига етказилади.



Бошқарув офиси ҳар ойда оилаларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари уйма-уй юриб ўрганади, муурожаатларини кўриб чиқади ва оилаларнинг муаммоларини сўровнома орқали аниқлайди.



Аниқланган муаммолар 3 кунда оилаларнинг жамланма рўйхатига киритилади.



Анкета маълумотлари идора ва ташкилотларнинг маълумотлари билан солиштирилади ҳамда оилаларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлик даражаси (тоифаси) аниқланади.



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар “saxovat.argos.uz” ахборот тизимида киритилади.



Бошқарув офиси томонидан вақтинчалик тартибда белгиланган хизматлар кўрсатилади.

СЕКТОР РАҲБАРЛАРИ ТОМОНИДАН:



“Темир дафтар”дан чиқариш юзасидан таклифлар халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари муҳокамасига киритилади;



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Темир дафтар”дан чиқарилган оилалар тўғрисидаги маълумотлар “saxovat.argos.uz” ахборот тизимида киритилади;



“Темир дафтар”дан чиқарилган оилалар бу ҳақида хабардор қилинади.

“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”НИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ



Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.

@huquqiyaxborot



Тасдиқланган анкета-сўровномалар туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари томонидан секторларга тақдим қилинади.



Секторлар томонидан анкета-сўровномалар 1 кунда сектор ишчи гуруҳларига ва маҳалла фуқаролар йиғинига тарқатилади.



Хотин-қизларнинг муаммолари, эҳтиёжлари ва қизиқишлари уйма-уй юриб ўрганилади.



Хотин-қизларнинг мурожаатлари, шу жумладан, “Аёллар маслаҳат кенгаши”га қилинган мурожаатлар кўриб чиқилади.



Хотин-қизларнинг муаммолари анкета-сўровнома орқали аниқланади. “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг рўйхатлари ва “Йўл харитаси” тасдиқланади ҳамда ижрога қаратилади.



Аниқланган муаммолар хотин-қизларнинг шахсий индивидуал анкеталарига киритилади.



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашида тасдиқланган рўйхатлар Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига киритилади ва белгиланган хизматлар кўрсатилади



Халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарори асосида “Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар тўғрисидаги маълумотлар Маҳалла ягона ахборот тизими дастурига киритилади.

“Аёллар дафтари”дан чиқарилган хотин-қизлар бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилинади.

“ЁШЛАР ДАФТАРИ”НИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ



Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.

@huquqiyaxborot



Анкета-сўровномалар секторлар томонидан маҳалла фуқаролар йиғинига ва сектор ишчи гуруҳларига тарқатилади.



Ёшларнинг муурожаатлари (шу жумладан, электрон платформа орқали муурожаатларини) кўриб чиқиш орқали ўрганилади.



Анкета-сўровномалари секторлар штаблари котиблари томонидан секторлар раҳбарларига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.



“Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган “Йўл харитаси” тасдиқланиб, ёшларга тегишли хизматлар кўрсатилади.



“Ёшлар дафтари”дан чиқариш бўйича тегишли қарор қабул қилинади.



“Ёшлар дафтари”дан чиқарилган ёшлар бу ҳақида ёзма ва электрон тарзда хабардор қилинади.



“Ёшлар дафтари”га киритилган ёш оилаларнинг секторлар раҳбарларига ва Ёшлар ишлари агентлигининг туман (шаҳар) бўлимларига берган аризасига мувофиқ, уларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда БҲМнинг 3 бараваридан ошмаган миқдорда тўлаб берилиши мумкин.



“ТЕМИР ДАФТАР”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.

@huquqiyaxborot

Оилаларда томорқадан фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуйидаги йўналишларда кўмаклашади:

- енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;
- “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.

Оилаларга ҳокимликлар томонидан деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда 0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни суғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни ўзлаштириш учун субсидия ажратилади.

Оилавий тадбиркорлик учун кредит оладиганларга банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- Оилавий тадбиркорлик учун кредит оладиганларга банкларга ажратилган кредит маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган қуйидаги хизматлар кўрсатилади:
- бизнес лойиҳаларни тузишни ўргатиш;
- кредит олишга кўмаклашиш;
- кредит ажратилгандан сўнг уларни доимий қўллаб-қувватлаш.

Оилаларга “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.

Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- фуқаролар йиғинлари томонидан моддий ёрдам бериш миқдорлари кўрсатилган рўйхат туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этилади;
- ҳокимликлар моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради;
- графикка асосан ҳар ойнинг 5-кунигача фуқаролар йиғинлари, тўлов ведомостларини шакллантириб, туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдим этади;
- маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимлари тўлов ведомостлари асосида моддий ёрдам тўловларини ҳар ойнинг 5 – 27-кунларида амалга оширади.



ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН КРЕДИТ



ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга тиббий хизмат кўрсатиш:

- тиббий ёрдамга муҳтож оилалар тиббиёт ходимини жалб қилинган ҳолда ўрганилади;
- касаллиги аниқланган ва тиббий ёрдамга муҳтожлар туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасига юборилади;
- улар кўрсатма бўйича стационар ёки амбулатория шароитда даволанади;
- ногиронлик белгилари аниқ намоён бўлганлар Тиббий-меҳнат эксперт комиссияларига юборилади.



“АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.

@huquqiyaxborot

Аёллар томонидан томорқадан фойдаланишни ташкил этиш орқали бандликни таъминлашда қуйидаги йўналишларда кўмаклашади:

- ✓ енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;
- ✓ парранда, асалари, қуён, балиқ ва бедана боқишни йўлга қўйиш;
- ✓ деҳқончилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва сотишга кўмаклашиш;
- ✓ “Томорқа хизмати” ташкилотлари ва “Дала дўконлари”ни ташкил этиш.



Аёлларга ҳокимликлар томонидан деҳқончилик учун янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ерда **0,1 гектардан 1 гектаргача ер ажратилади, ерни суғориш ва электр билан таъминлаш, ерларни ўзлаштириш учун субсидия ажратилади.**

Хотин-қизларга Микрокредитбанк, Агробанк ва Халқ банклари орқали БХМнинг 150 бараваригача кредит берилади.



Кредитларнинг фоиз ставкаси истисно тариқасида **2022 йил 1 январгача Марказий банк асосий ставкасида** белгиланади.



Кредитлар **6 ойгача** имтиёзли давр билан **3 йилдан кўп бўлмаган** муддатга ажратилади.

Хотин-қизларга БХМнинг 2 бараваридан 4 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам берилиши мумкин.
Ушбу бир марталик моддий ёрдамни тўлаш учун:

- ✓ фуқаролар йиғинлари **ногирон болали ёлғиз аёллар, боқувчиси йўқ, I ва II гуруҳ ногирон, уй-жойини таъмирлашга муҳтож I гуруҳ ногирон хотин-қизлар рўйхатини** туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимига беради;
- ✓ **туман маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими:** моддий ёрдамни ойма-ой тўлаш графигини шакллантиради;
- ✓ тасдиқланган графикка асосан **ҳар ойнинг 5-санасигача** тўлов ведомостларини шакллантириб, ҳокимлик бухгалтерия бўлими ва тегишли банкка тақдим этади;
- ✓ бухгалтерия бўлиmlари **график ва ведомостлар асосида** зарур маблағларни банкка ўтказилади;
- ✓ Халқ банки моддий ёрдам тўловларини **ҳар ойнинг 5 – 27-саналарида** тарқатади.

Хотин-қизларга турар жой ижара компенсацияси:

- ✓ турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг **1 м² учун** бир ойга Тошкент шаҳрида БХМнинг **6 фоизигача**;
- ✓ Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида **4 фоизигача**;
- ✓ бошқа ҳудудларда **2 фоизигача** миқдорда тўланади.



- ✓ Зарур ҳолларда хотин-қизлар тиббиёт бирлашмасида стационар ёки амбулатор шароитда даволанади.
- ✓ Аҳволи оғир бўлганларга вилоят ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасаларига ёки республика ихтисослаштирилган марказларига даволаниш учун бепул ордер ажратилади.
- ✓ Аёлларга бепул ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатилади.



“ЁШЛАР ДАФТАРИ”ГА КИРИТИЛГАНЛАРГА ЁРДАМ КЎРСАТИШ

Манба: ВМҚ-250-сон, 28.04.2021 й.

@huquqiyaxborot

Моддий аҳволи қийин ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорда моддий ёрдам берилади.



МОДДИЙ ЁРДАМ БИРИНЧИ НАВБАТДА ҚУЙИДАГИЛАРГА ТАЙИНЛАНАДИ:

- ✓ боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум ёшларга;
- ✓ ўзгалар парваришига муҳтож ишга лаёқатсиз ёшларга;
- ✓ I ва II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;
- ✓ қарамоғида ногирон бола бўлган ёш оилага;
- ✓ ота-оналардан бири I ёки II гуруҳ ногирони, иккинчиси ишламасдан беморга қарашга мажбур ёки иккаласи ҳам I ёки II гуруҳ ногирони бўлган ёшларга;
- ✓ табиий офатлар, ҳалокатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар оқибатида ҳаётига, соғлиғига, мулкига зарар етган ёшларга.



Томорқа ер эгаси ёки иккиламчи ижара асосида ер берилган ёшларга уруғлик ва қўчатлар олиш учун **БХМнинг 8 бараваригача** пул тўлаб берилади.



Тадбиркорлик ёки ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ёшларга асбоб-ускуна ёки меҳнат қуролларини харид қилиш учун **БХМнинг 40 бараваригача** миқдорда субсидия ажратилади.

Ёш оилаларга 12 ойгача турар жой учун ижара компенсацияси ҳар ойда **БХМнинг 3 бараваридан** ошмаган миқдорда тўлаб берилиши мумкин.



ТУРАР ЖОЙ ИЖАРА КОМПЕНСАЦИЯСИ:

- ✓ турар жойнинг умумий майдонидан келиб чиқиб, унинг **1 м² учун** бир ойга Тошкент шаҳрида **БХМнинг 6 фоизигача**;
- ✓ Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида **4 фоизигача**;
- ✓ бошқа ҳудудларда **2 фоизигача** миқдорда тўланади.

Нодавлат касб-хунарга ўқитиш марказлари сертификатига эга ёшларга бизнесни ташкил этиш учун “микрокредитбанк” банки томонидан қуйидагича микрокредит ажратилади:



33 МИЛЛИОН СЎМГАЧА

ёшларга ўз бизнесини ташкил этиш учун **33 миллион сўмгача** бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;



225 МИЛЛИОН СЎМГАЧА

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган таъминот турлари асосида **225 миллион сўмгача** миқдорда.



ЁШЛАРГА БЕПУЛ ТИББИЙ, ҲУҚУҚИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ.